

АҚШ лексикографияси тарихи

Раҳмонов Улуғбек Баҳодирович

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Андижон давлат университети

rahmanobulugbek@gmail.com

Аннотация. Мақола АҚШ лексикографияси тарихига бағишланган. Унда жаҳонга машҳур Сенчери, Жонсон, Вебстер ва Вустернинг луғатлари яратилиш тарихи ҳамда улар ўртасидаги муносабатлар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар. Изоҳли-энциклопедик, маълумотнома, луғат, сўзлар сони, американизмлар.

История лексикографии США

Рахмонов Улуғбек Баҳадирович

Доктор философии в филологии, (PhD)

Андижанский государственный университет

rahmanobulugbek@gmail.com

Аннотация. Статья посвящена истории лексикографии США. Анализируется история создания всемирно известных словарей Сенчери, Джонсона, Вебстера и Вустера и взаимосвязь между ними.

Ключевые слова. Тольковый-энциклопедический, справочник, словарь, подсчет слов, американизмы.

History of U.S. lexicography

Rakhmonov Ulugbek Bahodirovich

Doctor of Philosophy, (PhD)

Andijan State University

rahmanobulugbek@gmail.com

Abstract. The article focuses on the history of U.S. lexicography. In this article the world-famous dictionaries of Century, Johnson, Webster and Wooster are drawn into analysis of the history of creation and the relationship between them.

Keywords. Explanatory-encyclopedic, reference, dictionary, number of words, Americanisms.

Кириш. АҚШ лексикографиясининг энг йирик муваффақиятларидан бири бу “Сэнчери” изоҳли-энциклопедик луғати ҳисобланади (**The Century Dictionary. An Encyclopedic Lexicon of the English Language.** I наشري - 1889-1891 йиллар). Бу луғатнинг яратилиш тарихи, ҳудди лексикографик кучларнинг XVIII-XIX асрлар охирида жой-жойига қўйилиши каби махсус тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Америка лексикографиясининг ҳолати “Сэнчери” луғатини яратиш вақтигача қандай бўлган эди? Янги “Сэнчери” изоҳли-энциклопедик луғатини яратишнинг заруриятини нима келтириб чиқарди? Бундай зарурият ҳолисона эдими? деган саволлар дунё лексикограф олимлар олдида долзарблик касб эта бошлади.

Адабиётлар таҳлили. Маълумки, АҚШда тузилган ва нашр қилинган инглиз тилининг биринчи луғати, кичик Самюэль Жонсоннинг 1798 йилда нашр этилган “Мактаб луғати” (**A School Dictionary**) ҳисобланади. Ушбу луғат асосан ўзининг буюк ўтмишдоши ва фамилиядоши инглиз Самюэль Жонсоннинг луғати (**A Dictionary of the English Language**) материалларига асосланган. Жонсоннинг ушбу луғати катта оригиналликка даъвогарлик қилмаган. Бу ҳам ўз мақсадларига кўра (“мактабларга ёшларга инглиз тилини билишни осонлаштирадиган луғат бериш”), ҳам ўзининг ҳажми бўйича (41000 тага яқин сўз, 198 бет) ғоят оддий нашр эди. Орадан икки йил ўтиб, 1800 йилда, Жонсон Жон Эллиот билан ҳамкорликда янги луғатни (**A Selected, Pronouncing and Accented Dictionary**) нашр қилдиради. Бу луғатда луғат мақолаларининг сони деярли 7 мингтага ортди, аммо янги нашрдаги

луғатнинг сифати жиддий равишда ўзгармади. Бироқ Эллиот ҳамда Жонсоннинг луғати шу билан аҳамиятлики, у аслини олганда, американизмларнинг қайд қилинишига асос солди. Ўша 1800 йилнинг ўзидаёқ Калёб Алейсандернинг луғати (**The Columbian Dictionary of the English Language**) дунё юзини кўрди. Луғат оригиналлик билан фақат шунда ажралиб турдики, у оҳанжамали (ғаройиб) ва тадқиқотчиларнинг қайд қилишлари, ўзининг титул варағида унга ҳеч қандай асосларсиз, американизмларнинг катта сони қўшилганлиги ҳақида эълон қилди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ной Уэбстер ўзининг биринчи луғатини (**A Compendious Dictionary of the English Language**) яратди ҳамда 1806 йилда чоп эттирди. Луғат шу билан қизиқарлики, унинг муқаддима қисмида кейинчалик Уэбстер томонидан ўзининг машҳур “Америка луғати” да (**An American Dictionary of the English Language**) ривожлантирилган бир қатор принциплар баён қилинади. Бу принциплар орасида – лексикографларнинг тил тарихига эътиборини ошириш, ёзиш қоидабини ислоҳ қилиш талаби, талаффузнинг ўзгарувчан характерини тан олишнинг зарурияти, сўзларнинг этимологиясини батафсил тадқиқ қилиш зарурияти кўриб ўтилган. Бироқ 1828 йилга келиб эса Америка луғатшунослик тарихида катта аҳамиятга эга бўлган Уэбстернинг икки томли машҳур “Америка луғати” нашр қилинди. Ушбу саналар Америка (ва жаҳон) лексикографиясининг тарихидаги ажойиб саналардан бири ҳисобланади. Уэбстер 1825 йилда якунига етказган луғати эса энг кўзга кўринган америкалик лексикографнинг деярли йигирма йиллик ишининг меваси бўлди. Уэбстернинг “Америка луғати” Жонсоннинг луғати чиққани қарамай “Янги инглизча луғат”нинг (яъни “Катта Оксфорд луғати”нинг) биринчи томи пайдо бўлиши оралиғида лексикографиянинг ривожига энг муҳим ҳиссани ифода қилди.[5] “Америка луғати”нинг энг мисли кўрилмаган жиҳатлари орасида қуйидагиларни айтиш мумкин. Бу иш мақсадининг кенглигини ҳамда унинг катта ҳажмини (70 мингта сўз), луғавий таърифларнинг ҳаддан ташқари юқори сифатини (“Уэбстер буюк инсон, сўз маъноларининг чинакам изоҳловчиси эди”), кенг қўлланиладиган

илмий-техник терминларнинг қўшилишини, луғатда кўп сўзларнинг америкалаштирилган орфографиясини (биринчи марта Уэбстер томонидан таклиф қилинган бир қатор ёзилишлар ҳозирги кунда ҳам инглиз тилининг) америкача вариантыда қабул қилинган. Ундан ташқари, аслини олганда, Уэбстер америкалик лексикографлар орасида биринчи бўлиб изоҳли луғатда фақат сўз ҳақидаги ҳақиқий филологик маълумотни эмас, балки денотат ҳақидаги энциклопедик маълумотларни ҳам жойлаштирди. Масалан С.Стегернинг қайд қилишича Уэбстер, бундай қилар экан, “ўзининг китобхонига анча-мунча хизмат кўрсатар эди”. [6. 51] Америка лексикографиясининг изоҳли луғатда икки томонлама филологик-энциклопедик шарҳлашдан ташкил топган характерли анъанаси кўп жиҳатдан Уэбстерга бориб тақалади. Ижобий томонлар билан бир қаторда луғатда бир қатор муҳим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилади. Уэбстерга қараб чиқиладиган сўзларнинг этимологиялари энг кам насиб бўлди ҳамда талаффузни кўрсатиш методи ниҳоятда муваффақиятсиз чиқди. Бир қатор луғавий таърифлар провинциализмларга бағишланади (Дж.Ф. Краппнинг қайд қилишича, Уэбстер “Янги Англиянинг аҳамияти ғоясига бутун вужуди билан берилган эдики, у кўпинча вайсақи провинциализмга ботиб кетар эди, бу шунчаки Янги Англияда таомил бўлган сўзларнинг ва ибораларнинг луғатини эмас, балки америка луғатини тузишга қасд қилган киши учун кечириб бўлмайдиган ҳолдир” [4. 361]). 1841 йилда Уэбстер луғатнинг янги, тўғриланган ва тўлдирилган нашрини босмадан чиқарди. 1847 йилда Уэбстернинг вафотидан кейинги биринчи нашри Уэбстер луғатларини қайта нашр қилишга барча ҳуқуқларни қўлга киритган “Мерриам” (“G. and S. Merriam Company”) компаниясининг раҳбарлиги (ҳимояси) остида чиқди. 1859 йилда “Мерриам” компанияси Уэбстер луғатининг янги қайта нашрини, синонимларнинг рўйхатларини, янги сўзлардан тузилган иловани ва иллюстрацияли иловани (иллюстрацияли илова Америка лексикографиясида янгилик бўлди) қўшиб, чоп эттирди. Уэбстернинг мана шу луғатининг айнан ўзи деб аталувчи нашрнинг 1864 йилда чоп этилиши олдинга томон қўйилган

муҳим қадам бўлди. Луғат таърифлари кейинги қайта ишлашга ва аниқлаштиришга ҳаракат қилинди, сўзлар талаффузининг берилиши тубдан яхшиланди. Аммо энг муҳими шу бўлдики, сўзларнинг этимологик характеристикаси асосий қайта ишлашга тортилди, этимологияларни аниқлаштириш ва синчковлик билан қилинган текшириш юқори илмий даражада Берлинлик доктор К. А. Ф. Манн (K.A.F.Mann) томонидан амалга оширилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Америкада “Сэнчери” луғати чоп этилишидан олдин Уэбстернинг луғатлари энг машҳур Америка луғатлардан бири саналарда. Бироқ улар ягона луғатлар эмас эдилар. Узоқ вақтгача улар билан кўп жиҳатдан Уэбстер луғатларидан қолишмайдиган, балки кўп ҳолларда улардан лексикографик ижросининг сифати бўйича устунлик қиладиган Джозеф Вустернинг луғатлари билан рақобат қилардилар. Дж.Ф. Крэппнинг таъкидлашича, “Уэбстердан кейин Америка луғат ишларининг солномасида энг машҳур номлардан бири Джозеф Эмерсон Вустернинг номи тилга олинади”[4. 374]. Вустернинг луғати (**Comprehensive Pronouncing and Explanatory Dictionary of the English Language**) 1830 йилда нашр этилди. 1847 ва 1849 йилларда у қайта нашр қилинди. 1855 йили эса янги, қайта кўриб чиқилган наشري (бир нечта бошқа ном остида (**A Pronouncing, Explanatory, and Synonymous Dictionary of the English Language**)) чиқди, 1846 йил Вустер ўзининг “Универсал луғат”ини, 1860 йилда “Инглиз тили луғати”ни (**A Dictionary of the English Language**) нашр эттирди. Бу луғатнинг охирги наشري 1896 йилда чоп этилди. Вустернинг 1830 йилдаги луғати умуман олганда “нозик ва яхши илмий даражада бажарилган иш” [4. 371] даражасини ифодалайди. Орфографияда Вустер Британия анъанаси ва Уэбстер ўртасидаги “қийинчилик туғдирмайдиган ишни” асос қилиб олди. Вустернинг луғавий таърифлари қисқа ва аниқ, аммо яхши ифодааланмаган эди. Вустер этимологиядаги Уэбстер учун ғоят характерли бўлган кўплаб хатолардан ўзини четга олишга муяссар бўлди. Луғатнинг энг кучли жиҳати сўзнинг орфоэпик томонини кўрсатиш ҳисобланади. 1860-йилги наشري

вустерча барча нашрларнинг энг муҳими саналади. Вустернинг 1860 йилдаги луғати унинг ўзининг 1830 йилдаги луғатини такрорлайди. Бироқ, сўзлик ҳажмининг катта аҳамиятга эга бўлганлиги (43 мингта сўзга нисбатан 104 мингта сўз) билан аҳамият касб этади. Вустернинг – луғавий таърифларни ёзишдаги услуби – “умуман олганда қисқа, аниқ, содда, тушунарли ва нозиклиги билан қойил қилишни келтириб чиқариш билан ажралиб туради” [3. 101].

Ниҳоят, 1860 йилда Вустер биринчи марта, сўзнинг шарҳидан ташқари, шунингдек унинг синонимларини ишлаб чиқиши билан қимматли бўлган луғатни яратди. Бир қатор (асосан, лексикографиянинг ўзига алоқаси бўлмаган) сабаблар туфайли Вустернинг луғатлари Уэбстер луғати томонидан (ва “Мерриам” компанияси томонидан) рақобатга дош бера олмадилар ва машҳур “луғатлар уруши”да (war of the dictionaries) “Мерриам” компанияси томонидан яратилган луғатлар томонидан мағлуб этилди. Халбертнинг қайд қилишича, “Вустернинг луғатлари, гарчи улар маълум нуқтаи назардан энг яхши ишлар бўлсаларда, улар лексикографиядаги ҳақиқий олдинга қўйилган мақсадларни ифодалай олмаган. “Сэнчери” луғати эса инглиз лексикографиясининг ривожланишида муҳим ўрин тутди [2. 32].

Бироқ “Сэнчери”нинг яратилиш тарихини тадқиқ қилишдан олдин, яна битта муҳим луғат ҳақида гарчи қисқача бўлса ҳам, унинг яратилиши таклиф қилинаётган ишда босилиб чиққан “Сэнчери”нинг нашри вақтида, яъни 1900 йилда тугалланган иш ҳақида эслатиш зарур бўлган И. Фанкнинг луғатини кўзда тутаямиз. Масалан, “Сэнчери” луғатидан фарқли равишда Фанкнинг луғати ўтмишдош-луғатларнинг материалига кам таянади. Л.П. Ступиннинг таъкидлашича, Фанкнинг луғати “кўп жиҳатдан новаторлик принципларига қурилган” [1. 40]. Ўзининг ҳажмли луғатини (биринчи нашрда – 300 мингдан ортиқ сўзлар, кейин келадиганларда – 458 мингтага сўзлар) “ўртача” тажрибасиз китобхоннинг эҳтиёжига мослаб ва зарур лексикографик маълумотни тўплашнинг қулайлигини ҳамда зерикарлилигини аҳамиятли деб ҳисоблаб (биринчи ўринга қўйиб), хусусан, Фанк материалнинг луғат

мақоласида келиш тартибини ўзгартирди. Бу классик тартиб қуйидагича эди:

1. Сўзнинг ёзилиши.
2. Талаффуз
3. Этимология
4. Сўз маъноларининг тизими тарихий кетма-кетликда

Фанк эса бошқача тартибни таклиф қилди:

1. Сўзнинг ёзилиши.
2. Талаффуз
3. Сўз маъноларининг тизими тарихий кетма-кетликда
4. Этимология”.

Фанк маънолар таърифларининг тушунарлилига ва аниқлигига катта эътибор қаратади. Луғат жуда кўп махсус терминларни, яна шунингдек энциклопедик характердаги маълумотларни ўз ичига олади. Фанкнинг луғати ҳозиргача кенг оммабоб ҳисобланади. 1913 йилда у қайта ишланди ва ўша вақтдан буён бир неча марта қайта нашр қилинди. Умуман олганда Фанкнинг луғати Америка лексикографиясида муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX асрнинг охирига келиб Америка лексикографияси энди луғатларни яратишда бир қатор муҳим муваффақиятларга эга бўлди. Шунингдек энциклопедияларни яратиш ишида кўпгина муваффақиятларга эришилди. АҚШнинг китоб бозорида кўплаб обрўли бир томлик изоҳли луғатлар, илмий ва техник терминларнинг луғатлари, яна шунингдек энциклопедиялар яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ступин Л.П. Словари "трудных слов" и их место в истории английской лексикографии. - В кн.: Вопросы структуры английского языка в синхронии и диахронии, вып. 3, Л., 1973, С. 187-195.
2. Hulbert J.R. Dictionaries British and American. N.Y. Routledge, 2019. P. 110.

3. Friend J.H. The development of American lexicography, 1798-1864. The Hague, 1965, P. 129.
4. Krapp G.P. The English Language in America. 2 vols, N.Y., 1925. P. 377.
5. Murray J. The Evolution of English Lexicography. Good Press, 2019, P. 38.
6. Steger S.A. American Dictionaries: A Dissertation Submitted to the faculty of the University Verginia in Partial Fulfilment of the Requirements for the Degree of Doctor of Philosophy. Forgotten Books, 2018, P.160.